

ШХТ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДА ИШОНЧ ВА ЯХШИ
КЎШНИЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИННИГ
РОЛИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Азиз Равшанович Махмудов

Ўзбекистон Республикаси Ташиқи Ишлар Вазирлиги қошидаги Жаҳон
Иқтисодиёти ва Дипломатия университети “Халқаро Иқтисодиёт ва
Менеджмент” факултети 2-боскич талабаси.

Аннотация: ШХТ давлатлари ва халқларини бир-бирига яқинлаштириши, ўзаро ишончва яхши қўшничилик руҳини мустаҳкамлаш борасида халқ дипломатиясивоситаларидан фойдаланиши

Предмет. Бугунги кунда ҳалкаро сиёсий эксперталар бир овозда расмий-дипломатия билан бир қаторда халқ дипломатияси хар бир халқлар, цивилизациялар ва мамлакатлар учун уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қолаверса, маданий соҳаларида манфаатларини химоялашда ва ҳалқаро муносабатларни қуришда ҳам катта ва мухим ахамият касб этишини бир дек таъкидлаганлар. Ушбу илмий-мақолада Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) мамлакатлар ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашда халқ дипломатияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Мақсадлар. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ давлатлари ўртасидаги хар томонлама муносабатларнинг яънада ижобийлашига хизмат келтирган халқ дипломатисининг воситаларини аниқлашга, жамиятда халқ дипломатиясини қуллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилганган сиёсий-ижтимоий ва маданий-гуманитар ислоҳотларни олиб бораяётган Халқ Дипломатияси Маркази фаолияти мисолида кўриб чиқилади.

Услуб. Ушбу илмий-мақолада, ШХТ мамлакатлари муносабатларининг яхшиланишида халқ дипломатиясининг воситаларини аниқлаш ва ушбу воситаларнинг қўллаб-қувватлашда чиқишида мантиқан, статистик ва прагматик услубда ёндашилган.

Натижалар. Бутун дунё буйича фақат ШХТ давлаталри ўртасида глобал мунозараларнинг келиб чиқмаслиги, Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар худудида толерант ва дўстона муносабатларнинг муваффақиятли ўрнатайлганлиги шубҳасиз. ШХТ давлатлари ва халқларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳини мустаҳкамлаш борасида халқ дипломатияси воситаларидан самарали фойдаланаётганликларини эътироф этиш жоиз.

Хулоса. Хулоса қилиндики, халқ дипломатиясини кенг тармоқли алоқаларини аниклаб рағбатлантириш йули билан умумжаҳон ўрнини янада мустаҳкамлаш мумкин. Буни биз ушбу соҳада амалда самарали кенг-қўламли чора-тадбирлар ва

ислоҳотларни амалга ошираётган Халқ Дипломатияси Маркази сифатида қўришимиз мумкин. Бунда: ШХТ давлатлари ягона иқтисодий платформаси яратилиши (тадбиркорларнинг икки ва ундан кўп томонлама ҳамкорлиги); ШХТ давлатлари ўртасидаги спорт олимпиадалари; ШХТ давлатлари ўртасидаги маъданият ва санъат тадбирлари – ШХТ кино ва мусиқа фестивали; ШХТ давлатлари ўртасидаги илм-фан олимпиадалари; ШХТ давлати ўртасидаги олий таълим юртлари ўртасидаги ҳамкорлик ва талабалар илмий-амалий ўкув юрталридаги аламшинув (дипломларининг умум-эътироф этилиши) каби воситаларни мисол қилишимиз мумкин.

Калит сўзлар: ҳамкорлик, халқаро муносабатлар, дипломатия, илм-фан, санъат, спорт, маъданият

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси ШХТнинг таъсисчи давлатларидан ва биринчилардан бўлиб аъзолигига ургу берган ҳолда, айнан сўнги йилларда ШХТга аъзо давлатлар билан хар томонлама алоқаларининг яънада яхшиланиши, алоқаларнинг янги босқичга чиқганлиги хаммамизга маълум. Ўзбекситоннинг очик ва мувозанатли ташқи сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекситондаги ташқи сиёсатидаги қилган ислоҳотлари натижасида халқ дипломатисининг жамиятдаги ўрни ва самараси яна бир погона ахамиятлийлиги оширилмоқда.

Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари ва халқларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳини мустаҳкамлаш борасида халқ дипломатияси воситаларидан самарали фойдаланиш хақида сўз юритар эканмиз, ушбу йўлда тизимли ёндашувининг ахамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу соҳада, халқ дипломатиясининг воситаларидан унумли фойдаланишни кўзлаган ҳолда, 2017-йилнинг июнь ойида Козоғистоннинг пойтахти (Остона) Нурсултон шаҳрида ўтказилган навбатдаги ШХТ қурилтойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв ташаббуслари билан ШХТ давлатларида ШХТ қошида Халқ Дипломатияси Марказлари очилиш ғояси таклиф этилиб, бир овозда барча саммит иштирокчилари томонидан маъқулланди. Хозирда ШХТига аъзо давлатларда ушбу марказлар ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда.

26 йил 2018 июн қуни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев фармонига биноан Ўзбекистонда Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилди.

Марказ ўз фаолиятини бошлаганидан бўён ШХТга аъзо давлатларнинг жамоат ташкилотлари билан икки ва кўп томонлама алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Халқ дипломатияси механизмларидан фаол фойдаланиш орқали халқлар ўртасида ўзаро англашув, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашда гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда халқ дипломатияси халқаро муносабатларнинг асосий омилларидан бирига айланди. Шу билан бирга, бу жараёнда жамоат бирлашмалари ва халқаро нодавлат ташкилотлар фаол иштирок этмоқда, егизак шаҳарлар даражасида алоқалар ўрнатилмоқда. Турли тематик йўналишдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар амалга оширилмоқда, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришга қаратилган.

Халқ дипломатияси институти миллий манфаатларни илгари суриш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Мамлакатлар ва халқларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташабbusлар, шубҳасиз, уларнинг миллий манфаатлар асосида янада яқинлашишига хизмат қиласди.

Марказ ўз фаолиятини бошлаганидан буён ШХТга аъзо давлатларнинг жамоат ташкилотлари билан икки ва кўп томонлама алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш бўйича изчил иш олиб бормокда. Халқ дипломатияси механизмларидан фаол фойдаланиш орқали халқлар ўртасида ўзаро англашув, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашда гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида еътибор қаратилмоқда.

Марказнинг самарали фаолиятини ташкил етиш бўйича "йўл харитаси" га мувофиқ, биргина 2019 йилда Ипак йўлининг маданий меросини асраб-авайлаш ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 30 дан ортиқ тадбирлар, фестиваллар, ярмаркалар, фолклор, халқ хунармандчилиги ва ижодиёти кўргазмалари ўтказилиши халқ дипломатияси востилаидан самарали фойдаланиётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташабусси билан очилган Марказнинг амалда "Шанхай оиласи"га кенг қамровли ва узоқ-муддатли стратегик манбаат олиб келаётганлигини куришимиз мумкин.

2021 йил июнь ойидаги ШХТ халқаро форуми давомида иштирокчилар таклифлар ишлаб чиқиши ва ШХТ доирасидаги ҳамкорлик кун тартибини тўлдириш мақсадида кенг кўламли масалалар бўйича Ўзбекистоннинг давом эттиришга келишиб олдилар. Ўзбекистон халқ дипломатиясининг ўзига хос бўлган доимий институтларини ташкил етиш ташабbusининг аҳамияти

"Шанхай оиласи" мамлакатлари ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик механизми сифатида қайд етилди.

ШХТ таъсис этилган кундан буён, тарихининг қисқа давр оралиғида ШХТи ривожланишининг катта ва шонли йўлини босиб ўтар экан, вақт синовларига бардош бериб, сиёсий барқарорлик, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва савдо-иктисодий ҳамкорликни кенгайтириш кафолатига ургу берган ҳолда, минтақавий ҳамкорликнинг дунёдаги энг йирик тизими бўлиб қолди ва бунда халқ дипломатиясининг ролини мувафақиятли тизимлаштирилган Ўзбекистоннинг Халқ Дипломатияси Маркази

мисолида жамиийки “Шанхай оиласи” аъзолари тегишли эксперт хулосаларини бериб, ижобий баҳоланмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <http://rus.sectsco.org/news/20200627/660278.html>

2. <https://yuz.uz/ru/news/podpisan-memorandum-o-sotrudnichestve-mejdu-tsentrrom-narodnoy-diplomatii-shos-v-uzbekistane-i-obestvennm-fondom-vatandoshlar>

3. <https://xs.uz/uzkr/post/shht-xalq>

4. <https://lex.uz/docs/3795314>